



ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ МУЛОҚОТИДА ЯНГИ ФОРМАТ: ЎЗARO ИШОНЧ ВА ҲУРМАТ РУҲИДАГИ ҲАМКОРЛИК АНИҚ НАТИЖАЛАР БИЛАН АСОСЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц 15-16 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



O'ZBEKISTON — GERMANIYA HOKIMLIKKA TAYYORLASH MAKTABINING OCHILISH MAROSIMI
2024-yil 16-sentabr, Samarqand

ERÖFFNUNG DER USBEKISCH-DEUTSCHEN VERWALTUNGSSCHULE FÜR STADT- UND REGIONALBEHÖRDEN
16. September 2024, Samarkand



Ташрифнинг асосий тадбирлари Самарқанд шаҳридаги Конгресс марказида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц юзма-юз мулоқот қилдилар. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари делегациялар иштирокида кенгайтирилган таркибдаги учрашувда атрофлича муҳокама қилинди.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц Қўшма декларацияни қабул қилдилар.

Шунингдек, икки томонлама 8 та ҳужжат, жумладан, миграция ва мобиллик соҳасида ҳар томонлама шериклик тўғрисида ҳукуматлараро битим, ўта муҳим минераллар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация, транспорт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц 16 сентябрь кунин Самарқанд шаҳрида икки мамлакатнинг етакчи компания ва банклари вакиллари билан учрашув ўтказдилар.

Тадбирда Германия Иқтисодиёт ва иқлимни муҳофаза қилиш вазирлиги парламент давлат котиби Михаэл Келлер,

Германия иқтисодиётининг Шарқий қўмитаси бошқарувчи директори Михаэл Хармс, “KNAUF”, “CLAAS”, “Mangold Consulting”, “Gunter Papenburg”, “Siemens Energy”, “Linde Group”, “Aurbis”, “FALK PORSCHE”, “Metso”, “Edison technologies”, “Ernst Klett”, “Siemens Healthineers”, “Herrenknecht”, “DB Engineering & Consulting”, “Svevind Energy Group”, “Rhenus”, “HMS Bergbau”, “Textima” каби етакчи компаниялар ҳамда “KfW Development Bank”, “AKA Bank” банкларининг раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари учрашувнинг иштирокчиларини самимий қутлаб, тадбир тарихий Самарқанд шаҳрида ўтказилаётгани рамзий маънога эга эканини таъкидлади.

Кеча бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар якунларига юксак баҳо берилди. Уларда Янги Ўзбекистон тараққиётининг иқтисодий тармоқларини чуқур трансформация ва модернизация қилиш бўйича асосий устувор йўналишлари қўллаб-қувватлангани алоҳида қайд этилди.

Германиянинг етакчи компания ва банклари билан Саноат ва технология шериклик бўйича қабул қилинган стратегик дастур доирасида қўшма инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жадаллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги келишувларга эришилгани учрашувнинг асосий натижаси бўлгани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доираларининг фаол ва амалий иштирокида ўзаро манфаатли шерикликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Бу “яшил энергетика”, кимё саноати, “яшил водород” ишлаб чиқариш, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика саноати ва бошқа соҳаларда саноат кооперациясини назарда тутди.

Бундан ташқари, ўта муҳим минерал ресурслар конларини ўзлаштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, кейинчалик Германия ва учинчи мамлакатлар бозорларига экспорт қилиш учун юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда Германия компанияларининг иштироки истиқболли йўналиш сифатида белгиланди.

Энергетика, транспорт-коммуникация, коммунал ва туризм инфратузилмаси объекларини модернизация қилиш, саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарини лусусийлаштириш дастурида иштирок этиш, шунингдек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим ва экология соҳаларида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш ҳам ҳамкорликнинг асосий йўналишларига кирди.

Учрашувда Президентимиз Германия бизнесининг Ўзбекистондаги йирик компаниялар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шу маънода, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, металлургия, энергетика, кимё, транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги ва машинасозлик, тиббиёт ва бошқа соҳаларда янги ташаббусларни ишлаб чиқиш ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишни давом эттириш кераклиги таъкидланди.

— Учрашувимизни янги форматда ташкил этдик. Ўзбекистон томонидан, асосан, сўнгги йилларда мустаҳкам оёққа туриб олган ва Германия бизнесининг нуносиб ҳамкори бўлган хусусий сектор вакиллари иштирок этмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти барча иштирокчиларга белгиланган режаларни амалга оширишда катта муваффақиятлар тиллади.

Ўз навбатида, Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц мамлакатимиз билан кўп қиррали муносабатлар изчил ривожлантиришнинг юқори баҳолаб, мавжуд шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади ҳамда Германия ишбилармон доиралари вакиллари қўшма лойиҳалар ва ташаббусларни амалга оширишда дадил иштирок этишга қақирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Германия Федератив Республикаси Канцлери қўшма Бошқарув кадрларини тайёрлаш мактабининг очилишига бағишланган маросимда иштирок этдилар.

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан Ханс Зайдел жамғармаси ҳамда Бавария давлат бошқарув мактаби билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Мутаассадилар видеоалоқа орқали етакчиларга лойиҳа ҳақида батафсил маълумот бердилар. Унинг асосий мақсад ва вазифалари мамлакатимиз ҳудудларида бошқарув кадрларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва илгор технологияларни ўзлаштириш борасидаги салоҳиятини оширишдан иборат.

Ўзбекистон — Германия саммити якунида дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц Конгресс марказидаги хибонда биргаликда дарахт эқдилар.

Бу Ўзбекистон — Германия кўп қиррали муносабатларида янги босқич бошлангани, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланиб бораётганининг рамзи бўлди.

Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц Самарқанддаги Халқаро туризм академиясига ташриф буюрди.

2023 йилда Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25-сессияси доирасида очилган академия туризм соҳасини ривожлантириш бўйича юқори малакали ва талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш маркази сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Академияда яқинда биринчи академик йил бошланди ва битта дастур — меҳмондўстлик менежменти бўйича 20 нафар тингловчи сабоқ олмақда. 2025 йил январдан эса яна 200 нафар мутахассис тайёрланади. Иккинчи академик йилдан бошлаб мавжуд уч йўналишда 60 нафар тренер ва 1200 нафар мутахассис ўқитилади.

Ўқув муассасаси битирувчиларига БМТ Туризм ташкилотига аъзо давлатлар томонидан эътироф этиладиган дипломлар берилади.

Олий мартабали меҳмон академияда яратилган шароитлар ҳамда Ўзбекистонда замонавий сайёҳлик инфратузилмасини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан танишди.

Шу билан Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунланди.

Айтиш мумкинки, мазкур ташриф ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган, қозғондан амалий жараёнларга ўтган Ўзбекистон — Германия муносабатларининг янги даврида навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ГЕРМАНИЯ” САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 17 сентябрь кунин Марказий Осий мамлакатлари ва Германия етакчиларининг иккинчи учрашувда иштирок этиш учун амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.

Саммитда минтақа мамлакатларининг Германия билан кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинади.

Савдо-иқтисодий, инвестиция, технологиялар, транспорт-коммуникация ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек,

Германиянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан қўшма учрашув ўтказиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, “Марказий Осий — Германия” форматидagi биринчи саммит ўтган йилнинг 29 сентябрь кунин Берлин шаҳрида ўтказилган эди.

ЎЗА

Марказий Осий — Германия:

КўП ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ САРИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 17 сентябрь кунин Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осий — Германия” шаклидаги иккинчи олий даражадаги саммитда иштирок этади.

Ушбу форматдаги биринчи саммит 2023 йил 28-30 сентябрь кунлари Германияда бўлиб ўтган эди. Давлатимиз раҳбари Германияга амалий ташрифи доирасида қатор тадбирларда иштирок этди.

“Марказий Осий — Германия” мулоқот платформасини ишга тушириш ташаббуси 2023 йил бошида Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц томонидан илгари сурилган.

Давоми 2-бетда

Давлат дастури — амалда

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТ ҚИЁФАСИ

СТРАТЕГИК ҲУЖЖАТЛАР РЕАЛ ҲАЁТДА ЎЗ НАТИЖАСИНИ НАМОЁН ЭТАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ

Халқимизнинг эркин ва фаровон яшаши, янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога иқтисодий ва салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишига айланади. Бу борада қўзланган марраларга эришишда ҳар бир йилга ўзига хос ном бериб, шу асосда давлат дастурларини шакллантириш ва унда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида рўёбга чиқарилаётгани самара бермоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид давлат дастури доирасидаги ишлар ҳам жамиятимизни сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан модернизация қилишда муҳим ютуқларга замин бўлмоқда.

“Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор ТУЛҲАҚОВ билан суҳбатимиз давлат дастурининг бир қатор йўналишларида жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар, олдинда турган вазифалар хусусида бўлди.

Давоми 3-бетда

26 йил деганда ЎЗБЕКИСТОН ПАСПОРТИГА ЭГА БЎЛДИМ

Шукрона

Қайнотам асли Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида туғилган. Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб, шу ерлик бўлиб кетган. Отам билан яқин дўст бўлгани учун катта ўғлига мени сўраб борганида “Бир ўзим у ёқда қолиб кетмай, дўстлигимиз йўқолмасин, болаларимиз сабаб борди-келди қилиб тураимиз”, деган экан.

Давоми 2-бетда



GERMANYANING YENGI ЎZBEKISTONGA YENGICHA QARASHI OBJEKTIV HAQIQATDIR

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган музокаралари якунлари юзасидан халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва экспертлар “Дунё” ахборот агентлиги учун шарҳ берди.

Найжел ГУЛД-ДЭВИС, Буюк Британиянинг Халқаро стратегик тадқиқотлар институти (HSS) Россия ва Евроосиё бўйича лойиҳа менежери:



Халқаро майдон тобора кўп қутбли бўлиб бораётган бир пайтда Германия Ўзбекистон

— Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар юқори ривожланиш суръатини намойён этмоқда ва у янги стратегик босқичга кўтарилди. Германия нафақат муҳим иқтисодий шерик, балки мураккаб халқаро зиддиятлар жараёнида суверенитет ва мустақилликни мустаҳкамлашга интилаётган Ўзбекистоннинг иттифоқчиси.

ушунчалки ҳамкор ҳисобланиб, республиканинг иқтисодий ва сиёсий уфқларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, олий даражадаги алоқаларнинг фаоллашгани халқаро ҳамжамият учун Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш ниятидан далolat берувчи муҳим сигналдир.

синфини шакллантиришда мамлакатлар ўртасидаги маданий-маърифий алоқалар муҳим ўрин тутди. Халқлар ўртасида мустаҳкам иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни яратувчи меҳнат миграцияси механизmlарини ишлаб чиқиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.



Чжан ЧЕНЗИ, ХХРнинг МДХ мамлакатлари билан илмий-технологик ҳамкорлик бўйича Гуандун уюшмаси бош котиби ўринбосари:

— Ўзбекистон Президенти ва Германия Федерал Республикаси Федерал Канцлерининг навбатдаги учрашуви, шунингдек, 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган савдо-иқтисодий тадбирлар

Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги барқарор ва серқирра ривожланаётганидан далolat.

Бугунги кунда Германия Ўзбекистоннинг Европа билан кўп қиррала ва узоқ мuddатли ҳамкорликни ривожлантиришдаги асосий шерикларидан бири эканига барчамиз гувоҳимиз. Сўнгги йилларда олий даражадаги муносабатларнинг жадаллашгани ва иқтисодийнинг барча жаҳаларида эришилган келишувларнинг изчил амалга оширилишига ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг амалий кенгайишини таъминлади.



Муҳаммад ВАДИЙ, Мисрнинг “Sada al Balad” ахборот агентлиги бош муҳаррири:

— Ўзбекистон раҳбарияти мураккаб геосиёсий шароитга қарамай, барча хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли ва прагматик алоқаларни ривожлантиришда. Жорий йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Германия Федерал Республикаси Федерал Канцлери расмий ташриф билан Самарқандда бўлди. Ташриф давомида Ўзбекистон Президенти

Шавкат Мирзиёев ва Федерал Канцлер Олаф Шольц ўртасида имзоланган икки томонлама манфаатли шартнома хорижий ҳамкорлар билан прагматик алоқалар олиб борилаётганининг далилидир.

Ўзбекистон Президенти олий даражадаги делегацияларни қабул қилиш чоғида хорижий давлатлар бизнес доиралари вакиллари билан учрашувларни ташкил этиш, шунингдек, бизнес-форумлар ўтказиш анъанасига айланди. Мазкур тадбирларнинг натижаси ўлароқ мамлакатта инвесторлар кириб келмоқда, турли соҳаларда истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти, ишлаб чиқарилаётган миллий махсулотлар экспорти ортмоқда.

Ўзбекистон ва Германия етакчилари икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувда “яшил” энергия, кимё саноати, “яшил” водород ишлаб чиқариш, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик ва фармацевтика саноати каби соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб бердилар.

Ўзбекистон фуқароларининг Германияга қонуний асосда бориши ва расмий ишга жойлашшини соддалаштириш имконини берувчи миграция соҳасида ҳар томонлама шериклик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзолангани ушбу ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Марказий Осиё — Германия: КўП ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ САРИ

Бошланиши 1-бетда

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ушбу ташаббус Ўзбекистон Президенти ва Марказий Осиёнинг бошқа етакчилари томонидан Марказий Осиёда яхши кўшнчилик ва дўстона муносабатларни ўрнатиш бўйича амалга ошириляётган саъй-ҳаракатлар туфайли эришилган иқтисодий ва сиёсий сулоҳиятни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан расмий Берлиннинг минтақага қизиқиши ортиб бораётгани тасдиғи бўлди.

Мазкур форматнинг асосий мақсади Германия ва минтақа давлатлари ўртасида сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, энергетика ва хомашё бўйича шерикликни ривожлантириш, маданий-гуманитар ишбилармонлиги кенгайтиришдан иборат.

Мулоқотнинг бошланиши расмий Берлин сиёсатини ва Германиянинг Европа Иттифоқига раислиги даврида 2007 йилда қабул қилинган ва Германия ташаббуси билан 2019 йилда янгиланган ЕИнинг Марказий Осиё бўйича стратегиясини илгари суришда муҳим амалий қадамдир.

Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц ушбу платформа ўз вақтида ва долзарб бўлиб, минтақалараро ҳамкорликнинг устувор масалаларини муҳокама қилиш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди. Шунингдек, мазкур формат иштрокичи мамлакатларнинг барқарор

стратегик шерикликни йўлга қўйиш ташаббусини илгари суриди, бу форматнинг биринчи саммити якунлари бўйича имзоланган Кўшма баёнотда ҳам қайд этилди.

Биринчи саммитда Марказий Осиё ва Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Булар — инвестициявий, инновацион ва технологик алоқалар ҳамда алмашинувни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, транспорт-коммуникация йўналишида ўзаро боғлиқликни кучайтириш, “яшил” кун тартибинин илгари суриш, Германия стандартларига мувофиқ турли тармоқлар учун мутахассисларни тайёрлаш ва бошқа соҳалардир.

Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари Германия томонининг стратегик минтақавий шерикликни йўлга қўйиш, ушбу форматда мунтазам учрашув ва маслаҳатлашувлар ўтказиб бориш таклифини қўллаб-қувватладилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликнинг янги динамикаси, яқин маданийлараро ва гуманитар алоқаларнинг ривожланиши, албатта, Германия — Марказий Осиё ҳамкорлиги кун тартибинин сифат жиҳатидан тўлдиришга ва натижада бутун минтақавий ўзига хосликни мустаҳкамлашга ҳамда Марказий Осиёни

Германиянинг “Марказий Осиё плюс” шаклидаги мулоқотга фаол жалб этилиши жадал ривожланаётган минтақамизнинг халқаро алоқалар ва жаҳон иқтисодий муносабатлари тизимига интеграциялашувининг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилиши кутилмоқда.



иқтисодий ўсиш суръатларини қўллаб-қувватлаш ва ҳар бир давлатнинг умумий жиҳатлари, шунингдек, миллий хусусиятлари ҳамда манфаатларини ҳисобга олган ҳолда давлатлараро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича амалий чора-тадбирларни белгилаш имконини беради.

Расмий Берлин минтақамизнинг ўсиб бораётган ролинини инобатга олган ҳолда Германия ва Марказий Осиё ўртасида минтақавий

истиқболли ва узоқ мuddатли стратегик шерик сифатида намойён қилишга ёрдам беради.

Германиянинг “Марказий Осиё плюс” шаклидаги мулоқотга фаол жалб этилиши жадал ривожланаётган минтақамизнинг халқаро алоқалар ва жаҳон иқтисодий муносабатлари тизимига интеграциялашувининг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилиши кутилмоқда.

Макс СЕЙ, Малайзиянинг “Kingsley Strategic Institute” ижрочи директори:



— Германия Федерал Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг Ўзбекистонга ташрифини икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳолаш керак.

Германия азалдан Ўзбекистон учун муҳим савдо шериги бўлиб келган ва бу ташриф ушбу муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Хусусан, 2024 йилнинг биринчи ярмида икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 506,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Немис компаниялари учун минтақанинг инвестициявий жозибадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин бўлган энергетика, инфратузилма ва

технология соҳаларидаги лойиҳаларга асосий эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, ташриф чоғида сиёсий ҳамкорлик ва стратегик шерикликни чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинган. Германиянинг геосиёсий стратегиясида Ўзбекистоннинг аҳамиятини яна бир бор таъкидлади.

Ташриф чоғида имзоланган 10 га яқин икки томонлама ҳужжатларнинг, жумладан, Кўшма декларация ва 2024-2026 йилларга мўлжалланган Технологик шериклик ва саноат кооперацияси дастури қабул қилинганлиги алоҳида таъкидлаш керак. Ишончим комилки, ушбу келишувлар энергетика соҳасидаги шерикликка, логистика ва таълим алмашинувини яхшилашга хизмат қилади.

Ташрифнинг муҳим жиҳатларидан яна бири — малакали ўзбек ишчиларининг Германияда фаолият юритишига қаратилган

миграция бўйича битимнинг имзоланиши бўлди. Ушбу келишув Германиядаги ишчи кучи танқислигини бартараф этиш ва Ўзбекистон фуқаролари учун қонуний миграция йўлини тақдим этиши билан ҳар икки давлат учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги ўзаро янгилашув ва ишончининг янада юқори погонасига кўтарилиди. Шу нуқтаи назардан, Германия Федерал Республикаси Федерал Канцлерининг Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ва бутун минтақанинг узоқ мuddатли манфаатларига мос келадиган ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш ҳамда долзарб йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

“Дунё” АА

26 ЙИЛ ДЕГАНДА ЎЗБЕКИСТОН ПАСПОРТИГА ЭГА БЎЛДИМ

Бошланиши 1-бетда

Келин бўлиб келганимданок, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олганман. Қаерга бормай, албатта, ўша бир парча қоғозни кўтариб юрардим. Узимдан ҳам уни кўпроқ эътиётлаганман.

Шавкат Мирзиёев Президент бўлган, жуда катта хайрли ишга қўл урди. Мен каби фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг елкасига офтоб теги. 26 йил деганда Ўзбекистон паспортига эга бўлдим. Кимлар учундир бу оддий ҳолатдир, бироқ чорак аср паспортсиз юрган киши уни қўлга олиб қўзига суртаркан. Шунинг учун Президентимиздан бениҳоя миннатдорман. Яқинда умра сафарига бўлганимда ҳам ана шу бахтли кўнларим кўз олдимдан ўтиб, давлатимиз раҳбарини чин юракдан дуо қилдим.

Ўзбек-қирғиз муносабатлари тобора мустаҳкамланиб, чегаралар очилаётгани эса янада эзгу иш бўлди. Чунки қанчадан қанча қизлар мен каби ота-она дийдорига зор бўлиб ўтаётган эди. У ёқда эса ота-оналар фарзандига муштоқ.

Отам вафот этганини хабар қилишганида чегаралар ёпиқлиги боис, падари буз-

рукворимни сўнгги бор кўра олганман. Расмиятчилик, қоғозбозлик ишлари ҳаддан ортиқ эди. Сабабини айтиб турсангиз ҳам, ҳолингиз маълум бўлиб турса ҳам сизга ишонимасиз, дод деб бақиргингиз келади. Қандайдир маълумотномалар, бир парча қоғозларни деб жанозага етиб боролмадим. Икки кун ўтган, бир амаллаб отамсиз ҳувиллаган уйимизга кириб борганман. Яхшиямки, қолган фарзандлар у ёқда эди. Падаримиз сўнгги кунларини яшаётганида жигарларини йўқитганини билдирмасликка ҳаракат қилса, отам “Фаридадан тез-тез хабар олиб туринлар”, деб интиқ бўлаверибди.

Шўрлик онам 2010 йили “Мабодо менга бирор кор-ҳол бўлса, сен билан кўришолмай қоламан. Мендан рози бўлгин, қизим”, деганида кенг дунё кўзимга тор бўлиб кетган.

Бағрикенг ўзбек халқи қирғизистонлик ватандошларимиздан борини аямаган. Шунинг учун ҳам мен Ўзбекистонга келин бўлиб келганим, шу ернинг фуқаросига айланганимдан жуда бахтиёрман. “Қорасув” пости очилаётган пайти одамларнинг юз-кўзиди табасум, қувонч ёши менинг ҳам қалбимга кўчди. Ҳозир ота-онам ҳаёт бўлмаса-да, тургилан



жойимга бемалол, ҳеч қандай муаммосиз халқи келиш бахтига етишим. Турмуш ўртоғим, фарзандларим ҳам хурсанд. Чунки улар ҳам дийдор изтироби, соғинч аламида юрганимда нима қилишни билмай қолар, кўнглимни кўтаришга чоғланарди. Инсон учун энг оғир яқинлар дийдоридан узоқлашиш экан. Энди эса Қирғизистонга барчамиз бирга, оилавий бориб келаверамиз. Шу кунларга етказганига минг шукр!

Фарида ҲАСАНОВА
Анджон вилояти

ҚАРДОШЛИК РИШТАСИ ҲЕЧ ҚАЧОН УЗИЛМАСИН

Шунисига ҳам шукр, деган бобом бизни Қирғизистонга юборгиси келмаган. Онам бошқа аёл билан турмуш қуришини отамдан илтимос қилган. Бошқа оиласи бўлса-да, отам бизни бирор кун ташлаб қўйгани йўқ. Улғайиб, Тошкентдаги фармацевтика институтига ўқишга кирдим. Отам шартнома пулини тўлашдан ташқари онам иккаламизга пойтахтдан уй сотиб олиб берди. Ҳатто озиқ-овқатимизгача таъминлаб турди. Онам Қирғизистонга тез-тез бориб, отамнинг оиласидан хабар олиб турган. Чегаралар батамом ёпиқлидан кейин айланма йўллар билан бўлса, қўшни давлатга бориб турди. Алоқани узмади.

Отамни жуда кам кўрган бўлсам ҳам кўп соғинаман. Бошқа юрда яшаб туриб ҳам гаумўрлик қилаётган инсонга фарзандлик меҳрим банд. Турмушга чиққанымдан кейин 1-2 марта бора олдим. Чунки қўшни туманнинг бир четидаги бориб чегарадан ўтиш, ҳар хил мижозларга дуч келиш оилали аёлга тўғри келмас экан.

Уйимизга жуда яқин бўлган “Қорасув” пости очилганини эшитиб, роса хурсанд бўлдим. Онаминг ёши ўтиб, аввалгидай ғайрати қолмаган бўлса ҳам кўнгли тўқ. Чунки энди мен билан бирга яқин йўлдан бориб кела олади. Уйдагилар ҳам бунга рози бўлиши аниқ. Отам эса набиралари-

ни кўриб, боши кўкка етади. Шу пайтгача уларни телефон орқали кўрган, холос. Давлат хизматида ишлагани учун телефонда ҳам узоқ гаплашишга баъзан вақти бўлмай қолади.

Кўприкдан одамлар ўта бошлаган куни қизларим “Ойижон, энди бизниям Қирғизистонга олиб борасизми? Бобомни кўриб келамизми?” деб роса қувонди. Аввалроқ улар учун хорижга чиқиш паспорти ҳам олгандик. Энди шундоқ ҳам ўтиб қайта-верамиз.

Маҳалламизда Қирғизистондан келин бўлиб тушганлар, у ёқда қиз узатганлар жуда кўп. Ҳаммаси хурсанд. Пост очилган куни байрам бўлиб кетди. Ҳамма бир-бирини табриклиди. Бошидан ўтган билади деганларидек, даррдош, дилдош бўлиб кетишган. Бирови юртига бориб келса, ҳаммаси ҳол сўрайди. Ўзи бориб келгандек қувонади. Энди чегарани очишга бош қўшганларга барча раҳмат айтайти.

Мен ҳам улардан бири сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек-қирғиз дўстлигини мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу ишларидан миннатдорман. Икки халқнинг қардошлик риштаси ҳеч қачон узилмасин. Аҳиллигимиз, қуда-андачилигимизга асло кўз тегмасин!

Гулчехра ЭРМАМАТ қизи
Анджон вилояти

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТ ҚИЁФАСИ

СТРАТЕГИК ҲУЖЖАТЛАР РЕАЛ ҲАЁТДА ЎЗ НАТИЖАСИНИ НАМОЁН ЭТАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ

мажбуриятларига тааллуқли нормалар 3 баробар кўпайди. Хусусан, ёлғиз кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий эҳтиёж-манд бошқа тоифалари ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлиши белгилаб қўйилди.



Умуман олганда, амалга оширилаётган ислохотлар ижтимоий давлат мақомига эришиш йўлида муҳим қадам, улар ўзининг ижобий натижаларини беришти. Аммо бу борада ҳали олдимизда ечимини қутаётган вазифалар ҳам талайгина. Барча қўлаётган натижаларни қўлга киритиш учун узоқ муддатли ва изчил ҳаракатлар давом эттирилиши лозим.

— Юксак тараққиётни таъминлашда иқтисодий ислохотларнинг аҳамияти катта. Бу борада қўзланган марраларга эришишда эса жамиятимизда тадбиркорлик муҳитининг ривожланиши муҳим ўрин тутади. Бу эса, аввало, тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Мазкур жаҳада қандай муҳим натижаларга эришиляпти?

— Бу борада режадан ташқари ва муқобили текширишлар бекор қилинди, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш соддалаштирилди. Тадбиркорликдаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари қисқартирилди. Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солиш қулайлаштирилди. Давлат корхоналарини ташкил этишга чекловлар қўйилди. Давлат иштирокидаги корхоналарни кескин қисқартириш чоралари кўрилди.

Аҳолининг кредит олиш учун аризалари ягона электрон платформа орқали қабул қилиниши белгиланди ва 2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегияси қабул қилинган. Тадбиркорларни рағбатлантириш мақсадида "Фаол тадбиркор" кўкрак нишон-жорий этилди. Бундан ташқари, ҳар йили Президентнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотини ўтказиш йўлга қўйилди.

Бизнес субъектлари мижоси, кичик, ўрта ва йирик тоифаларга бўлиниб, уларнинг ҳар бири билан алоҳида ёндашувлар асосида ишлаш тизимига ўтилди. Республика-нинг туман ва шаҳарлари 5 та тоифага ажратилиб, 60 та туманга алоҳида солиқ, кредит ва молиявий ёрдам режимлари жо-

Давлат дастурининг ҳар бир бандида белгиланган вазифалар, чора-тадбирлар ижроси қандай таъминланаётгани, унинг халқимиз ҳаёт тарзида бераётган натижаси фақатгина ҳужжатларда эмас, реал ҳаётда ҳам ўз самарасини намоён этапти. Бундан баҳраманд бўлаётган ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётга қараши, ислохотларга дахлдорлиги ортиб бормоқда.



ЎЗБЕКИСТОН 2030



Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 1 июндаги "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Туман (шаҳар)ларда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ҳодимлар гуруҳлари қўрсатилган хизматлар ва ёрдамларнинг янги тизими йўлга қўйилди. Жорий йилда туман (шаҳар)ларда онла сон, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳларига кўра, ижтимоий ҳодимлар "ҳудуд — учаска — маҳалла" тамойили асосида ажратилди.

Ижтимоий ҳимоя тизими ҳодимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларини ташкил этиш мақсадида <https://e-learning.istc.uz/> онлайн таълим платформаси янада шаклланди ҳамда ўқитиш тизими йўлга қўйилди. Ҳозирги кунга келиб, 1450 нафар ижтимоий ҳодим ассистенти ёлғиз яшайдиган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни парваршиш қилиш бўйича ўқитилди.



Жорий йилда ёшлар етакчилари тавсияси билан "Ёшлар дафтари"га киритилган 46 миң нафар ёшга 89 миң нафар сўмлик ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 16 миң 524 талабага таълимни давом эттириши учун 39 миң нафар сўм контракт пуллари тўлаб берилди. Ишчи бўлган 3211 нафар ёшга 7,5 миң нафар сўмлик асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари ажратилиб, маҳалланинг ўзида бандлиги таъминланди. Банд бўлмаган 4372 нафар ёш илм-фан, замонавий касблар ва ҳайдовчиликка ўқитилиб, 11,2 миң нафар сўм ўқув курс ҳаражатлари қопланди.

Ногиронлиги бор ва бемор 981 нафар ёшга тиббий хизмат кўрсатилиб, 4,4 миң нафар сўм даволаниш ҳаражатлари қопланди. Уюшмаган ёшларнинг 476 нафари сафарбарлик чакириви резервга жалб қилиниб, 3,1 миң нафар сўм ҳарбий хизмат бадалли тўлиқ тўлаб берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг 20 миң 980 нафарининг деҳқончилик, тадбиркорлик, фуқаролик паспортини расмийлаштириш, мусобақаларда иштирок этиш, нотураж жой ва лойиҳаларни амалга ошириш ҳаражатлари қопланиб, уларга 24,7 миң нафар сўм йўналтирилди.

Шунингдек, "Ёшлар дафтари" туман (шаҳар) жамғармаларида жами 189 миң нафар сўм ҳамда вилоят жамғармаларида 11,3 миң нафар сўм маблағ шакллантирилди. "Рақамли маҳалла" ягона платформаси ишлаб чиқилиб, mahalla.jrg.uz доменига joy-лаштирилди. Платформа "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" платформалари билан ўзаро интеграция қилиниб, ягона саволнома модули ишлаб чиқилган.

— Давлат дастури ижроси бўйича "Тараққиёт стратегияси" маркази қандай ишларни амалга оширяпти?

— Марказимиз мутахассислари давлат дастури лойиҳаси муҳокамаси босқичидан бошлаб бу борада иш олиб бормоқда. Экспертлар

нашрга тайёрланиб чоп этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ислохотларни амалга ошириш ва мамлакатни модернизация қилиш билан боғлиқ жараёнларни ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш мақсадида озиқ-зиё конференция, давра суҳбати, очиқ мулоқот, тақдирот, учрашув ва бошқа тадбирлар маҳаллий ва халқаро даражада ташкиллаштирилди. Уларнинг 30 таси хорижий давлатларда ташкил этилди.

Марказ ҳодимлари томонидан "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва давлат дастурининг барча ижрочилари, хусусан, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларига мунтазам равишда маслаҳат, кўмак бериб бормоқда.

Шу билан бир қаторда, жорий йилнинг 7 ойи мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг мақсади ва вазифаларини кенг жамоатчиликка етаклаш ҳамда 2024 йилга мўлжалланган давлат дастурининг ҳудудларда амалга оширилишини муҳокама қилиш мақсадида маҳаллий жамоатчилик, давлат идора ва ташкилотлари билан қатор тадбир ва учрашувлар ташкил қилинди. Бу йўналишда вазирлик, идора ва ташкилотларда 47 та давра суҳбати ва учрашув ўтказилди, 30 дан ортиғи уларнинг қўйи бўғинлари иштирокида ташкил этилди.

— Марказнинг халқаро ҳамкорлар билан амалга ошираётган муҳим лойиҳалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан бугунги кунда қатор халқаро ҳамкорлар билан амалий алоқалар йўлга қўйилган, АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Германия,

англашув меморандумлари имзоланган. Қолаверса, юзга яқин хорижий ташкилотлар билан тўғридан тўғри ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Улар билан доимий равишда қўшма лойиҳалар, тадбирлар ва тадқиқотлар қилинмоқда.

Бундан ташқари, марказнинг хорижий ҳамкорлари қаторига мамлакатимизда фаолият юритаётган элчихоналар ҳамда турли халқаро ташкилот ва жамғармалар ваколатхоналарини ҳам киритиш мумкин. Ҳар йили мазкур халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда юздан ортиқ тадбирлар, қўшма лойиҳа ва тадқиқотлар ҳам мамлакатимизда, ҳам хорижда амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг устувор мақсад ва вазифаларига қаратилган қўшма лойиҳалар БМТ Тараққиёт дастури (UNDP), Буюк Британия элчихонаси, Фридрих Эберт фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси (Германия), Копенгаген консенсус маркази (Дания) каби ҳамкорлар билан муваффақиятли амалга оширилди.

Марказ мутахассислари Ўзбекистон Республикасининг расмий делегацияси аъзоси сифатида, шунингдек, мустақил экспертлар сифатида қатор хорижий давлатларга ташир-рифлар амалга ошириб, нуфузли халқаро саммит ва форумларда маъруза ва чиқишлар қилиб келмоқда. Хорижий давлатларга хизмат сафарлари давомида етакчи давлатлар парламенти ва ташқи сийосий фаолият идораларида давра суҳбатлари, чиқишлар, брифинглар, маъруза ва тадқиқотлар ташкил этиляпти. Шу билан бирга, мамлакатимизда ташир-риф буёрган хорижий давлатлар делегациялари билан ҳам марказимизда муҳим учрашув ва тадбирлар мунтазам ўтказиб келинаётир.

Жорий йилда марказимизга ташир-риф буёрган хорижий давлатлар делегациялари — Германия Бундестагидаги "Германия — Марказий Осиё" парламент гуруҳи аъзолари, Малайзия парламенти Сенати раиси ўринбосари, Хитой Халқ Республикасининг Синьхуа институту вакиллари ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси ва Япония Халқаро молия маркази (JICF) экспертлари билан учрашувларда "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг мақсад ва вазифалари, унда белгиланган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда ўзаро ҳамкорлик масалалари ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Бир сўз билан айтганда, давлат дастурининг ҳар бир бандида белгиланган вазифалар, чора-тадбирлар ижроси қандай таъминланаётгани, унинг халқимиз ҳаёт тарзида бераётган натижаси фақатгина ҳужжатларда эмас, реал ҳаётда ҳам ўз самарасини намоён этапти. Бундан баҳраманд бўлаётган ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётга қараши, ислохотларга дахлдорлиги ортиб бормоқда. Бундай ўзгариш ва янгиланишлар эса жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида муҳим ютуқларга замин яратаётди.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.



Ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларни ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш юзасидан марказ томонидан Ўзбек, инглиз ва хитой тилларида 28 миң 300 нусxada таҳлилий нашрлар, тўплам, рисола, хатчўп ва бошқа тарғибот материаллари

Италия, Франция, Швеция, Россия, Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Покистон, Ҳиндистон каби хорижий давлатларнинг нуфузли ахборот-таҳлил ва тадқиқот марказлари, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан 50 дан ортиқ ҳамкорлик тўғрисида



Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Болалик ўйин билан завқли. Эсласак, қалбимизни энтиктирадиган машғулотларимиз кўп бўлган. Ҳар бир мавсумнинг ўзига хос ва мос ўйинлари вақтимизни мазмунли қилар, одамларнинг феъли каби ўйин майдонлари ҳам кенг эди.

Бугун замон ўзгарди. Аксарият бола гаджетлар билан вақт ўтказибди. Уларни ҳам тўғри тушуниш керак: кўчада машина кўп, кўп қаватли уйлар ҳовлиси тобора “тораймоқда”. Болалар майдончаларига эса ишонч йўқ; таъмирталб аттракционлар...

Ўйинларнинг болани жамиятта қўшишдаги ўрнини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди. Улар болага жисмоний, интеллектуал-ҳиссий, коммуникатив — ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатади. Бола сардор, иштироки, томошабини бўлиш оралиғида дунё хусусидаги билимларини мустақил тарзда кенгайтириб боради. Энг қизиғи, бу билимлар мажбуран ўргатилмайди, унинг ўзи завқ бандлигида янги тушунчаларни ўйин шартларининг бир қисми сифатида осон қабул қилиб кетаверади. Бизнинг халқ педагогикамиз моҳияти ҳам шундан иборат.

Жараёнда диққатни, идрокни ривожлантириш, илгари ҳосил қилинган тасаввур, тушунчалар сингари хусусиятларни яна ҳам аниқлаштириш учун болалар майдончалари қурилади. Болалар майдончасидаги содда ўйин қурилмаларидан фойдаланиш орқали эса боланинг психологик, билиш жараёнлари, сенсор маданияти, нуқтаи назар, ақлий қўбиллялари тақомиллашади. Бундан ташқари, ўйингоҳ боланинг ҳуқуқатворига аҳшигина таъсир кўрсатади. Майдонча фаолияти бевосита табиат билан боғлиқ, митти-войлар эса энди табиатга ошно бўлади.

Майдончаларнинг бола характери шаклланишидаги ўрни муҳимлигига қарамай, бизда ҳалигача уларнинг абгор ҳолатда қолиб кетганлари ёки бошданок шундай қурилганлари топиллади.

Нега болалар майдончаларининг аксарияти бизда ҳеч қандай қонун-қондасиз, меъёрлару стандартларга амал қилмасдан барпо этилади? Майдончаларни ҳар бир кўп қаватли уй аҳолиси, маҳалла ёки уй-жой мулкдорлари ширкати ўз истаги ва хоҳишидан келиб чиқиб қуриб олади. Атрофини яшил дараклар ўрнига лабига синаёт кистирган кўрс амакилар каби тугун пуркаган машиналар тўлдирган эса ўйингоҳ болалар майдончасидан кўра автомобиллар қўйилгани тураргоҳга ўхшаб қолади. Натияжада “Болам тоза ҳавода айланиб келаяпти”, деб кўнглини хотиржам қилган она кечга ўғлини килпиргига қадрар чағ қўнган ҳолатда кутиб олади.

Болаларга қувонч олиб келадиган сирпанч, арғимчоқ ва бошқа қурилмалар мукамал лойиҳа асосида эмас, маҳаллаларда кўп бора кўзимиз тушадиган оддий темирдан қўлбола усудда тайёрланади. Уларни ҳар қандай чилангар эски қувурдан ёки биророта уста амаки устаносида тайёрлаб ўрнатиб кетаверади. Бунда, шубҳасиз, стандартларга риоя этиш тўғрисида ўйланмайди. Болалар майдончалари қурилиши борасида яқдил фикрга эга бўлмаган ширкатлар сертификатланган тўпламларни қимматлиги боис, сотиб ололмайди.

Мулоҳаза

Қишқик ўйингоҳларнинг катта муаммоси

Болаларга АВТОТУРАРГОҲ ЭМАС, ЎЙНАШ УЧУН БЕХАВОТИР ЖОЙ ЗАРУР

Техник хавфсизлик қоидалари нималардан иборат?

Шу ўринда савол туғилади: фарзандларимиз мароқли дам олиши учун болалар майдончаси қандай қулайликларга эга бўлиши зарур? Техник хавфсизлик қоидалари нималардан иборат?

— Болалар майдончалари уйлاردан узоқ бўлмаган масофада, очикроқ жойда, ёруғлик бир текис тушиб туриши, болаларнинг эркин ҳаракатланиши инобатга олинган ҳолда уларни қизиқтирадиган ўйин жиҳозлари билан таъминланган бўлиши зарур, — дейди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати мутахассиси Зуҳра Эргашева. — Яъни болалар майдончаларининг қулай, кўркам ва текис жойларда ташкил этилиши, атрофидан сероса дараклар ва дам олинган ўриндиқлар бўлиши жон, жиҳозларнинг болалар ёши ҳамда қизиқлишига мос замонвий, содда тузилишга эга, санитария ва хавфсизлик техникаси талабларига жавоб берадиган турларини ўрнатилиши лозим. Болалар майдончаларидаги жиҳозларнинг материаллари ва уларга ишлов беришнинг ҳам ўзига яраша талаблари бор. Бу талаблар тегишли меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Аввало, ёғочдан ишланган жиҳозлар қаттиқ дарак турларидан тайёрланган ва чириш, ёниш ҳамда синишларнинг олдини олувчи махсус ишлов берилганга аҳамият қаратиш керак. Сирти текис ва учли қирралари юмалоқланган бўлиши шарт. Жиҳозларнинг кўтариб туривчи қисмларида металлдан фойдаланганда, улар ишончли бирикмаларга эга бў-

каби бир қарашда майда, аммо муҳим талабларни кези келганда на аҳоли, на ширкатлар билари.

Масалан, поштахотимизнинг Янгиҳаёт тумани 8-қурилиш ҳудудидаги маҳаллалар орасида қурилган футбол майдончасини кўрсангиз, у ерда футбол эмас, гладаторлар жанги бўлиб ўтса керак, деган хаёлга борасиз. Копток чиқиб кетмаслиги учун ўралган симтўрлар йиртилиб, кўз ёки қўлга кириши мумкин бўлган учлари майдон ичига буралиб кетган. Оёқ ости эса майда қора тошлару болалар келтирган шиша синиклари, ширинлик қоғозлари билан тўла. Бундай шароитда ростдан ҳам тўп чиқиб кетмайди — исталган жойга тепсангиз, бориб тўппа-тўғри санчилди. Дарвоза устуналари эса қийшайиб кетган. Енгинасидаги майдончада болаларнинг мазмунли вақт ўтказиши учун айтарли шарт-шароит йўқ. Санокчи ускуналари ҳам таъмир-талаб, баъзилари эса ҳали қуриб тугатилмаган. Арғимчоқ ўриндиғи йўқлиги, бошқасининг эса темирчи синиб, букхилиб қолгани болалар учун хавфли. Бундан ташқари, турли гишт, бетон сочилиб ётиши уларнинг эркин ҳаракатланишига халақит беради. Офтоб тафтида майдонча тандирдай қизиб ётибди.

Шу атрофда истиқомат қилувчи ёш оналардан бирининг фикрини билмоқчи эдик, бу ҳақда гапирганини истамади. Кўп қаватли ўйининг йўлида турган Азамат исмли юртдошимиз эса “Майдончанинг аҳолининг кўриб турибсиз, изоҳга ҳожат йўқ” деди-ю, бизга тинчлик керак, дегандек ўзини четга олди.

Бундай ўйингоҳларга, табиийки, соғлом фикрловчи ҳеч бир ота-она фарзандини ёлғиз ташлаб кетмайди. Тўғри-да, болани омонат пайвандланган, занлаган темир аттракционларга

эмас, балки тавсиявий мазмунда бўлгани учун ҳам турли экологик дастурлардан тортиб, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва сақлаб туришга доир таклифларга “кўриб чиқилади, инобатга олинади” дан нарига ўтмайди.

Оддий ҳамфикрлик, ўзини бошқанинг ўрнига қўйиб кўриш, умумий масалалар учун ижтимоий муносабатлар ўрнатиш имконсиз бўлиб турган пайтда аҳолидан бу борада мақсадли ҳаракат кутиш — умидсиз ечим. Майдончани жамоатчилик иштирокида қайтадан таъмирлаш ташаббуси билан чиқсангиз, кичик ёшдаги фарзандлари бўлган ота-оналар сизга оқ йўл тилиши мумкин, лекин болалари уйлаётган фуқароларнинг эътиборсиз ҳамда ҳафсаласиз юзи бир қадам бўлса, олдинга силжишингизга имкон бермайди. Баъзи кексалар эса майдонча бўлмаса яхшироқ, деган қарорда тўхтайдилар. Деразаси олдида болаларнинг эрталабдан кечгача тинмайдиغان қий-чуви қулоққа ёқмаслигини зарда билан айтиди.

Қад кўтаратган ситиларга, албатта, бу муаммо йўқ. Чунки у ердаги уйлар нархига сифатли майдончадан фойдаланиш ҳам қўшиб юборилган. Аммо аҳолининг катта қисми ситилардан уй олишга қодир эмас. Қолган ҳудудларда яшовчи болалар хавфсизлигига ким жавобгар? Умуман, бизда болалар майдончалари хавфсизлигига жавоб берадиган ташкилот борми?

“Бу ерда фақат сағал ва тошлар бор...”

Муаммонинг туб илдизи болалар майдончалари қурилиши ва сақлаб турилиши учун ким масъул бўлиши масаласи тартибга солинмаганига, таъсирчан тизим йўқлиғига бориб тақалади.

Аксарият ҳолларда жавобгарлик хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига юкланади. Ширкат умумий мол-мулк, ХУЖМШнинг ер участкаси, мол-мулк асралиши ва сақланишини таъминлаши шарт. Агар ХУЖМШ аъзолари ўз ер участкаларида болалар майдончасини бунёд этиш тўғрисида қарор қабул қилса, ҳамма бирдек қўллаб-қувватлайди. Бунда, албатта, аҳоли уни қуриш ва сақлаб туриш харажатлари мажбурий бадал таркибига киришини билиши лозим. Бироқ ширкатда унга давлат ер кадастри бириктириб қўйган ер участкаси бўлмаса ва унинг чегараси бинонинг бурчаги еки периметр бўйича бир-икки метр наридан ўтса, у ҳолда уй ёнидаги участка умумий фойдаланишдаги ерларга қиради. Ер кодексига биноан, улар давлат ҳокимияти органилари ихтиёрида бўлади. Уларнинг ваколатлари доирасига ер участкасида турли ишловлар барпо этиш ҳам қиради.

Демак, барчаси болалар майдончаси кининг ҳудудида жойлашгани ёки уни қаерда қуриш мўлжалланганига боғлиқ. У ширкатнинг кадастр билан белгиланган ер участкасида бўлса, майдонча эгаси ХУЖМШ ҳисобланади. Ширкат уни ўрнатади, таъмирлайди, сақлаб туради. Агар майдонча давлат ерида бўлса, унинг учун шаҳар, туман жавоб беради ва барча масалалар билан ҳокимликка муражот қилинади.

Бу оралиқда фарзандининг қаерда бепул ҳордиқ чиқаришини билмай сарсон юрган аҳоли ХУЖМШга муаммо борасида айтса, пул йўқ, деган жавоб олади. Маҳалла раиси бирор ҳомий тадбиркор топиш кераклигини рўқча қилади. Етмаганига, ёш боласи йўқлар қарши чиқади. Шундай қилиб, “Отанга бор, онангга бор” қабилдаги ҳолат йиллар давомида ечимини топмай ётаверади, болалар жараёшти қийин тус оlishда давом этаверади.

— Ям-яшил чим ётқизишли керак эди. Бу ерда фақат сағал ва тошлар бор, — дейди Яшно-бод туманидаги Иззат кўчасида яшовчи Соҳида опа. — Тошлар синиғи оёғига ботиб, неча ёш бола тиззасини шикастлаб олаётганини ўз кўзим билан кўряпман. Майсани-ку, умуман, оруз қилмай қўйди, ҳеч бўлмаса, спорт ускуналари ва арғимчоқларни хавфсиз қилиб ўрнатилса, яхши бўларди. Ўзимизда ҳам гап кўп. Ниҳоятда бепарвомиз. Мана, яқинда қўшим мактабда ўқийдиган қизчасининг кўрсаткич бармоғини ампутация қилдириди. Бола бечорига ачиндим. Ўзининг фарзандининг эса дярли кўчага чиқармаяман. Аммо кун иссиқ, уй дим, бола зерикади, сиқилади-да...

Бўлиб дугонасига сўзлаб берганда, дугонаси бу арғимчоқлар билан боғлиқ биринчи ҳолат эмаслигини айтган.

— Дугонанинг айтишича, бармоғини жиддий кесиб олган, боши лат еган ёки тиззаси шилланган болаларни ёш оналар кўп олиб келар, аксарияти арғимчоқ узилишидан йиқилган, сирпанчлик пластмассаси сифатсизлигидан тойиб кетган ёки темир қисиб қолган бўларкан. Биздаги арғимчоқнинг бир тарафи синганда, маҳалладаги фаоллар пул йиғиб, пайванд қилдириди. Темирлари занглаб ётибди, менимча, аввалдан эски материалдан ишланган, шунчаки устини бўёб қўйилган, холос. Қайси виждон билан бундай қилишар экан-а? Ҳамма жойда шундай демоқчимсан. Мисол учун, Сергелидаги анги хонадонларда яшайдиган акамнинг уйи олдидаги болалар майдончаси жуда зўр. Болаларимни ҳам, ўзимни ҳам хавфсиз ҳис қиламан, лекин ўғлим ҳар гал ўйнаши келганда, акамнига боравермайман-ку, — дея фикрини яқунлайди Соҳида опа.

Тан олиш керак, яқин йиллар мобайнида болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш дастурлари тузиб чиқилди. Болалар майдончаларига доир, шу жумладан, улар хавф-



сизлиги ва санитария ҳолатига қўйилмаган баъзи талаблар белгиланди. Барча болалар майдончаларини, улардаги мавжуд иншоотларни ялпи инвентаризациялаш, уларни уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериш мўлжалланди. Ҳар бир маҳалла, мавзе, даҳа учун майдончалар бунёд этиш ва тиклаш, мувофиқлаштириш, белгиланган талабларга мувофиқ сертификатлаштириш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш белгиланди. Ҳокимликларга уларни тиклаш ишларига тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари, жағмармалар, фермер хўжаликлари, корхоналар ва ҳокзао ташкилотлар, шунингдек, аҳолининг кенг жалб этиш топширилди.

Болалар майдончаларини сақлаш учун жавобгарлик ХУЖМШ ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларини маънаси-га яқинлаштириш, бироқ бу билан барча муаммага барҳам берилди, дея олмаймиз.

Болалар майдончаси нега керак?

Таниқли педагог А.Макаренко айтганидек, ўйин бола учун билиш манбаидир. Ўйин жараёнида болалар эгаллаши қийин бўлган кўникмаларини осонгина ўзлаштиради, нарсаларнинг ўзига ҳо ҳусусиятларини билиб олади. Улар теварак-атрофдаги кўрган нарсаларини ўйинда ифодалаш орқали турли ҳаракатларни бажаради, яъни юради, югуради, сакрайди, ўрмалайди, бирор буюмни иргатади. Натияжада уларнинг қадди-қомати, мускуллари ва сезги органилари ривожланади, организмнинг ҳаёт фаолияти янада яхшиланади. Ўйинда боланинг иродаси, ўз ҳаракатларини ўйин қоида-сига бўйсундира олиш кўникмаси ўсади, у ўзини кўпол хатти-ҳаракатлар қилишдан тияди, зарур бўлганда чаққон ҳаракат қилишга ўрганади, оқибатда унда жисмоний сифатлар шаклланади.

Ўйин орқали болалар атроф-муҳит билан яқиндан танишади, ўзаро мулоқотни ўрганади, мустақил ҳаракатланиши, ўз кучини синаб кўриши мумкин бўлади. Болалар ўзлари учун инстинктив равишда ўйин жиҳозлари, ўйин майдони ҳамда ўйин турини танлайди. Болалар майдончасида ўтказилмаган ҳаракатли ўйинлар орқали болалар атроф-муҳит билан уйғунлашади ва охир-оқибат уларда табиатга меҳр уйғонади.

Майдончалар болаларнинг вақтини мазмунли ўтказишига, жисмоний ва ижтимоий ривожланишига хизмат қилиши керак. У ердаги барча жиҳоз болалар учун қизиқарли бўлишига эришиш ниҳоятда муҳим. Чунки мактабга ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг қундалик ҳаётида ўйин энг қизиқарли фаолият тури ва унинг воситасида болалар жисмоний ҳамда интеллектуал ривожланишига самарали таъсир этиши имконияти юқори. Ўйин орқали болалар атроф-муҳит билан яқиндан танишади, ўзаро мулоқотни ўрганади, мустақил ҳаракатланиши, ўз кучини синаб кўриши мумкин.

Майдончаларда ўйналадиган ўйинлар фақат у ердаги спорт жиҳозлари билан боғлиқ бўлибгина қолмай, содда миллий ўйинларни ҳам қамраб олиши мақсадга мувофиқ. Бу эса болаларни ўйин воситасида қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Ушбу ўйинлар орқали болаларнинг ҳаракатида мустақиллик, дадиллик, журъат пайдо бўлади. Улар бу майдончаларда эркин ҳаракат қилиш, бошқа болаларнинг ҳаракатидан ўрнак олиш имкониятига эга бўлади.

Биз урбанизация ҳамда одамларнинг рўқон тарқоқлиғи шиддат билан ўсаётган замонда яшаймиз. Шу боис, болалар майдончаси айна пайтда энг муҳим масала бўлиб турибди. Чунки майдончалар нафақат болаларни, балки ота-оналарини ҳам жипслаштиради, умумий мулоқот майдони пайдо қилади.

Аҳоли кўпинча болаларнинг вақтини чоғ ўтказиш гоёси атрофидан бирлашади. Кишиларни катта ҳамжамиятларга қараганда кам қаватли уйларида бирлаштириш ҳам анча осон. Қувручи ялпи қўшничилик муносабатларини фаол қўллаб-қувватласа, бу ҳолат харид тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида муваффақиятли бўлиши мумкин. Демак, болаларнинг биргина ўйингоҳи ортидан ширкатлар иши юришади, сифат кўрсаткичи ошади, аҳоли бир мақсад йўлида бирлашини ўрганади. Бизнинг олимизда нафақат бундай қўшнилар марказини ташкил этиш, балки бу улар учун қанчалик керакли эканини тушунтириш вазифаси ҳам туради.

Мисқолгина ҳафсала кифоя

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда “Иштирокчи давлатлар боланинг дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш ҳуқуқини, ўзининг ёшига мос келадиган ўйинлар ва кўнглига тадбирдор бўлишга иштирок этиш, маданий ҳаётда эркин қатнашиш, санъат билан шугулланиш ҳуқуқини эътироф этадилар”, дея белгиланган. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда эса “Ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғи ҳамда эҳтиёжларига мос келадиган дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуққа эга. Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ўз қўбиллялари ҳамда имкониятларига мувофиқ боланинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиғи учун зарур турмуш шароитини таъминлайди. Болалар соғломлаштириш, спорт, ижодий ташкилотлари ҳамда дам олиш ва бўш вақтни уюштируви бошқа ташкилотлар қўнучиликка мувофиқ давлат органилари томонидан таъсис этилади ва қўллаб-қувватланади”, деб ёзилган.

Ҳозирча бизда болалар майдончалари етарли эмас. Болалар ўйнайдиган жойлар йўқ, футбол майдонлари эса пулли. Фарзандини пулли қўйларга олиб боришга ҳаммада ҳам имконият мавжуд эмас. Бу эса барчамизни ташвишга солиши керак бўлган энг катта масала, жамият миқёсида ечимини кутаётган долзарб муаммо. Гап келажак авлод ҳақида бормоқда. Дилбандларимизнинг кўчага соғ-омон чиқиб келиши муаммо бўлиб турган бир вақтда бошқа режаларни амалга оширишга уриниш тўғри қарор эмас. Болалар ўйингоҳларда бемалол, хотиржам ўйнаши учун аслида кўп нарса шартмас. Ўзининг оғина эътиборини, ҳокимлик ва бошқа мутасаддилар ҳафсаласи, шижоати керак, холос.



лиши ва тегишли ишлов берилиши, (коррозияга қарши қопламага эга) пластик ва полимерлардан тайёрланган жиҳозлар синлик, ёрқин ва тоза ранг, иқлимий омиллар таъсирида рангини йўқотмайди билан қабул қилганлар бўлган.

Бундан ташқари, жиҳозлар болаларнинг боши, бўйни ва тананинг бошқа қисмлари ҳамда кийимлари тиқилиб қолишининг имкон қадар олдини олган ҳолда ўрнатилиши, ўткир қиррали чиқиб туривчи қисмлар бўлмаслиги ва болалар кира оладиган жойлардаги барча бурчақлар юмалоқлаштирилган бўлиши, болаларнинг жиҳозлардан йиқилиб тушиши олдини олиш учун кўл билан ушлаб юриш мосламоси ва тўсиқлар, шу билан бирга, йиқилганда жароҳатланишининг олдини олиш учун зарбани юмшатувчи қопламалар кўзда тутилши лозим.

Ҳўш, юртимиздаги барча ўйингоҳлар юқоридаги талабларга жавоб берадими? Афсуски, йўқ. Республикада жами 8300 дан ортиқ болалар майдончаси бўлиб, шундан 7050 таси янги қурилган ва соз ҳолатда. 1303 таси таъмир-талаб. Аксарият ўйингоҳлар сифатли бўлиши мумкин, аммо 1303 та ҳам ҳазилкам сон эмас. Албатта, жорий ҳамда кейинги йиллар оралиғида бу рақамларни камайитириши мақсад қилганмиз.

Ҳақиқатан, болаларнинг юқорига чиқиши ва сирпанч тушишида, узунлиги 2 метр, баландлиги 2,5 метрдан банд бўлмаган, қўл билан ушлаб чиқиш учун мосланган сирпанчлар билан жиҳозланиши кераклигини, болалар майдончалари гимнастика девори ҳамда гимнастика устанчалари билан тўлдирилиши зарурилиги

Айримлар кичкинтойлар шовқинига тоқатсиз

Бундан чамаси 3-4 йил илгари Бектемир туманининг “Сувоз” ҳақасидаги таъмирланган болалар майдончасида саккиз яшар болақайнинг устига аттракцион аганаганида бу шумхабарни фалокат-да энди, атай бўлмаган-ку, дея совуққонлик билан қабул қилганлар бўлган.

Ушанда нобуд бўлган мурғак боласининг суратини қорайиб кетган бармоқлари билан сикиб олган, бор гўссаси кўкитмир қовоғига из тушидиган отанинг мунгли қўзида бунга ким айбдор, деган сасиз қичқирқичи кўпчилик қатори мен ҳам эшитиб, ўзимни эшитмаганга солгандим. Аммо яқинда бошқа муҳитга энди мослашган жияним ворқаут майдончасида бармоғини кесиб олгач, бу соядаги оғриқ кўламини бутун вужудин билан қўқидим.

Болалар спорт ва ўйин майдончаларини қуриш, улардан фойдаланиш ва хавфсизлиги билан боғлиқ қонун ҳужжатлари мониторингинг соҳада “ишқалик”лар етарли эканини кўрсатади. Мавжуд ҳужжатлар ижро учун мажбурий



Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқованинг 70 йиллигига

БУ НОТИНЧ ДУНЁЛАРГА ТИНЧЛИКДАН КЎЙЛАК ТИКСАМ...

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Ўзбек матбуоти, юртимиздаги электрон оммавий нашрлардан бири 2019 йил шундай ёзда: “20 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сенатор Энахон Сиддиқова тўйлар ҳақидаги қарорни тарғиб қилиш ва ижросини таъминлашда ҳар бир вилоятга алоҳида ёндашиш ҳақида гапириб, водий тўйларининг фожиасига тўхталди: — Водий тўйларининг жуда оғир томонлари бор. Қиз чиқараётган томон кулфатининг ичида қолиб кетади. Яқинда бир оқсоқол менинг ёнимга келиб, “Тўй ҳақида қарор қабул қилдинглар, лекин ҳеч нарса ўзгармади. Олти қизим бор. Уч қизимни чиқардим. Яна учта қизим бор. Аввал учта қиз чиқарганим жаннати дейишарди, мен “дўзах” бўлиб турибман. Яна учта қизни чиқариш учун умрим етадимми, йўқми... Қиз чиқараман деб, ўлиб кетаманми?” деган гапларни соқолларига кўз ёшлари томиб айтди”.

Ҳа, сенатор Энахон Сиддиқовага дардини айтганидан, у орқали ўз муаммоларига ечим излайдиган инсонлар кўп эди. Яна бир жиҳати шундаки, опа ижодий учрашувларда ҳам ниҳоятда сезирилмишдан юрагидан дарди бор хотин-қизларни тез топиб олар, уларга шеър ўқиб беришдан олдин иши, рўзғори, болалари, мол-ҳоли ва экин-тикинлари ҳақида савол берар, муаммоларини очиб айтмагунча тинчимасди. “Аёлларда андиша кучли, ўзинг сўрамасанг, “ич-этини еб”, муаммони газак олдириб юраверади. Шу боис, муаммони борлигини сезиб қолсам, ўша масаланинг илдинини топмагунча тинчимайман, сингилм. Ундан кейин шеър ўқисак ярашади”, дерди кулиб...

“Битта экан Фарғонанинг Энахони”

“Хаёлим суратига ҳовлимиз этагидан лойшувоқ кулбага югуриб чиққан қизгалдоқлар, офтобруйда ҳар куни чумчуқ билан ўйнашадиган олачипор илон, онам ўриб қўйган сочларимда селкиллаган топпоқ, онамнинг қалампирмуноқ анқиган бағри (қандоқ бахтли экан ўша кунларим) бугун худди эртакка ўшайди”.

Болаларнинг ёрқин чизгилари, соғинчлари кимнинг ҳам юрагини ўртамайди, жижилатмайди дейсиз... Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова ҳақида ёзишга шайланган қаламим беихтиёр “Она ҳақида достон”даги “хаёл сурати”ни яна бир бор эиберат қилгани келди. Чунки менинг ҳам устоз ҳақидаги хотираларим бевоқифа мана шу беғубор болалик дамларидан бошланади. Чунки илк шеърларимни қай бир даврага чиқиб ўқий бошласам, даврадагилар “Мана, Фарғонамизнинг шоиралари сафига яна бир ёш Энахон келиб қўшилипти”, дея алқаблар, мен бу сўзларни эшитганимда шоиранинг ўзидан ҳам исминини жуда яхши кўриб кетар эдим. Чунки кўпроқ буювсиз оналарни кўриб тарбияланган, уларнинг ривоятларини эрталаридан яйраб, ҳалволаридан татиб улғайган эрқа қизча эдим-да... Бежиз қалбимиз қадриятларимизга туташ бу меҳр ришталарини илғамаган экан. Вақт ўтиб Энахон Сиддиқова Фарғонадаги ҳар бир момою бувиларининг, оналару опанингиларининг сувянган меҳр чашмасига — Энасига айланди. Зеро, устоз шоиримиз Баҳодир Исо айтганидек, “Битта экан Фарғонанинг Энахони”.

— Талабалик чоғларимда устозимиз Йўлдош Сулаймон бошчилигида Муқимийнинг “Саёҳатнома”си бўйлаб вилоятдаги жамики қалам аҳли анъанавий ижодий юришда қатнашардик, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, шоира Гулбахор Саидганиева. — Бу ижодий гурунларнинг шуқуҳи ўзгача, тенги йўқ эди. Ўша анъана-

вий юришлардан бирида Водилга етганимизда бир автобус одамни ҳовлисига тақлиф этиб, дастурхон ёзган жўмард, танти опамиз Энахон Эрқабоева — Сиддиқова эди. Бунга салкам 40 йил бўлди. Эйтиборлиси, опа Ўзбекистон халқ шоири унвонини олганида ҳам, сенатор бўлиб фаолият юритганида ҳам, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлимининг бошқарганида ҳам ўша-ўша камтар ва камсуқум ўзбек



аёли, меҳрибон устоз мақомини сақлаб қолди. Энахон опа менга нафақат ижодда, балки сиёсий-ҳуқуқий масалаларда ҳам устозлик қилди. “Фарғона ҳақиқати” газетасига бош



муҳаррирликка тавсия қилиб, меҳнатларим юзага чиқишига сабаб бўлган инсон ҳам устозимиз Энахон Сиддиқова эди.

Фарғонага бўлган хизмат сафаримиз чоғида шоира Ёркиной Низомиддинова бизга устоз туфайли ҳаёт синовларидан омон чиққани ҳақида гапириб берганди:

— 2016 йил соғлим учун синовли вақт бўлди. Бир эмас, учта касалликдан азият чекдим. Ҳар ой шифохонада даволаниб чиқаман. Мени текширган онколог зудлик билан операцияга буюрди. Вилоят марказида танишларим йўқлиги учун ўйландим. Ниҳоят онгимда ёнган чироқдан кўнглим ёришди: ахир менинг устозим Энахон Сиддиқова бор-ку! Абгор аҳволимга бепарво қарамаса керак... Бир пайтлар ишсиз ва уйсиз юрганимда ҳам ишга жойлаб қўйган, ўз уйдан жой берган эди...

Дарҳол йўлга тушдим. Устоз билан кўришиб, кўзим ачиқ ёшга тўлди. Энахон опа дарди холимни эшитгач, “Операцияга шошилманг, сиз аввал профессор Иброҳим Асқаровга учрашасиз”, деди бамайлихотир. Опанинг сўзидан хотиржам тордим. Бежиз шундай демаган экан. Профессор операциясиз даволашни айтганида дунё кўзимга шунчалар ёруғ кўриндики... Энахон опа мен каби юзлаб ижодкорларга ана шундай ғамхўрлик ва меҳр билан қараган. Биз, шоирларини ниҳоятда авайлаб, ардоқлаган.

Эзгулик занжири бахш этган куч

Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби ўқувчиларининг ютуқларидан қувонганимизда Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқованинг мактаб пойдеворини қўйиш палласидаги югур-югурлари, ҳаяжонлари, севинчлари ёдимизга тушади. Бугун ушбу мактаб ўқитувчилари Энахон опанинг меҳру муҳаббати, сабоқлари, ҳикматлари ва ибратли ишларини ўзига дастуриламал қилиб олган. Айниқса, ушбу ижод маскани директори, Энахон опанинг суюкли фарзанди Нигорахон Маннопованинг устоз ҳақидаги сўзи, хотираси биз, шоирларнинг устоз сиймосини яна бир қўриш иштиёқимизни, соғинчимизни янада оширади:

— Онагинам асл устозим эди. Дехқончилик, боғбонлик, тикувчилик, ошпазлик, нотиклик, ҳилм, ҳалоллик, ўзгалар дардига ҳамдардик, ўзни фидо қилиш илмини амалда кўрсатиб, намуна бўлган ҳаёт муаллими. Яна кегириш, сабр-мадонат, шижоат, жасорат, кўнгли олиш илмини дилларга жойлаган қалб мураббийим. Турмушда эса сув келса симириб, ўт келса ўчириб, мушт келса кегириб, оғудан бол ичира олган жон фидо қахрамоним. Мусофириқда беш болани етти мучаси соғлом, ақли, имони бутун бўлиши, ҳалолликда ўстириш учун ўзини чор хунарға, ўтга-сувга урган, тиним билмаган меҳнатқашим. Жон томири, етти пуштидаги тоза қонни ҳалоллаган, покиза фитратни тинитганимизга ўтказга олган муносиб меросбоним. Талағулар, фитналар ичида ҳам ажодлардаги олийнасабликни аёл қалби, юраги билан мардонавор сақлаб қала олган Эл Онаси. Дард, изтиробларни қала билан енгган, кўнглиларга сўздан малҳам тизган сўз заргарим. Шунча куч, мадонат, жасоратни қаердан оларди? Бу қувват манбаи нимадан, дея сўрайверардим. Билдимки, пок ботинидаги эзгулик занжир реакциясида, янги куч бахш этавераркан...




Юракларни зирқиратган қўшиқ

Бола кўнглим гуллаиб, Ҳайратга дўнар олам. Сўлачада утириб, Дўппи тикарлар онам.

О, болалик қайтса-ё, Онам алла айтса-ё, Эркалаб уйғотса-ё, Дўппи тикарлар онам...

“Она ҳақидаги достон”даги ушбу мисраларни ўқиган китобхон беихтиёр хотираларининг энг гўзал супасига кўтарилса, ажаб эмас. Шу билан бирга, болалик оламнинг беғубор дамлари қанчалар қадри бўлса, бу даврининг юракка солган “чандиқлари”, изтироблари, мунгли куйлари ҳам азиздир.



қилган куч, восита, шубҳасиз, халқимиз даҳоси яратган “Оқ теракми, кўк терак, Сиздан бизга ким керак?” деган қуйма мисралардир. Достон айнан ушбу сўзлар билан бошланади. Достоннинг шеърӣ қисмларида ҳам ҳазин, ҳам ўйчан, ҳам сокин, ҳам шиддатли бир куй онг-шууримизда янграб-жаранглаб туради. Бунда болалар ўйинида айтиладиган нақорат-оқич вазифасини бажаради.

Сўхбатдошимиз таъкидлаганидек, достонда янграб турадиган юракларни зирқиратдиган бир қўшиқ, мунгли куй ҳаётӣ суҳбатлар ва воқелиқлар асосида ўз нотасини бирма-бир топиб боради. Масалан, мана бу суҳбатни эшитганда ким ҳам беихтиёр кўзига ёш олмайдӣ дейсиз: “Онамнинг қирқидан кейин келинимиз Озода сандиқни очиб, олдимга бир катта тугун қўйди.

— Бувимнинг васияти. Ўтганимдан кейин опангизга беринг, деганди.

— Нима бу?! — ҳайронлигим ошди. Озода индамай тугунни ечди. Не кўз билан кўрайин,

Куз гуллари — ёмғир нафасли, шамол исли парилар...

байрамларда, тугилган кунларида онамга олиб борган совғаларим, қўйлақлик матоларим қандай берган бўлсам, шундайлигича — таҳи бузилмай турибди...

“Онамнинг қўли тегиб, табаррук бўлган, дея эслаб юрар, келинига, қизларига бувингдан эсдалик, деб берсин”, деган экан. Додлаб юбордим. Совғаларимнинг ҳамма-хаммаси гўё менга тикилиб, мунгли, танбехомуз қараб турарди”.

Янги йил арафаси эди. Устозга телефон қилиб, “Газетага байрамона руҳда яхши бир бадиға ёзиб бераман”, деган гапларини эслаб-додлаб, “Ўзим айланай, эсингизда экан-а, албатта, ёзиб бераман. Фақат бир оз мазам йўқ, шамоллабман, шекилли. Агар улгурмасам, огоҳлантириб қўярман”, деди ҳазин овозда. Мен гофил ҳам унинг бир оз шамоллаганига ишондим-да, “Опажон, албатта, улгурасиз, ундай демаг. Мақолангизни кутаман”, дедим эркалик қилиб... Орадан икки ҳафта ўтмай шум хабарни, уларни қийнаган хасталик қандай эшитдим-у... афсус-надомат ўтида қорилдим. Ҳаётимнинг энг қийин, машаққатли оналаридан Энахон опанинг қадимини тиклаш, руҳини кўтариш учун қилган саъй-ҳаракатлари кўз ўнгимдан ўтди: ишсиз, ўйсиз юрган кунларим... Ўша замоннинг зайли, қариндошчиликка оид бемаъни қонунлари туфайли ҳеч қаерга ишга қабул қилинмаётган, танишларим ёрдам бериш ўрнига “четга кетишим”ни таъкидлаётган пайтлар эди. Бир кун ижтимоий тармоққа куз фасли ҳақидаги шеърларимни жойладим. Орадан икки кун ўтгач, Энахон опа кўнгириқ қилди: “Куз гуллари — ёмғир нафасли, шамол исли парилар улар... Мухтасар, табриқлайман, жуда чиroyли шеърлар ёзибсиз. Бир туркум қилиб тайёрлаб жўнатинг; газетада эълон қиламиз”, деди. Ўша пайтдаги қувончимни бир кўрсангиз эди. Шеърларим чоп этилаётгани учун эмас, Энахон Сиддиқовадек аёл менга кўнгириқ қилиб ҳол сўраган, шунча таъкиқларга қарамай, ижодимга эътибор кўрсатаётганидан жуда таъсирланганим. Лекин барибир шеърларим газетада нашр қилинишига шубҳам бор эди.

Эртасига ижтимоий тармоққа кирсам, ҳамма дўстларим “Қалб садоси”да чоп этилган шеърларимни бир-бирига улашаётган экан. Ўша пайтларда ҳам сизнинг шижоатингиз, жасоратингиз, мардлингизга тан берган эдим. Мен каби ноҳақликдан жабр кўрган не-не хотин-қизларнинг мушкулларини осон қилдингиз, жамиятга ўз ўрнини, шеърят майдонига сўзини топишга ҳаракат қилган шоирларингизга суянч бўлдингиз, эзгулик чирогини тутдингиз. Ҳар инсоннинг аёл қиёфаси у чин дунёга рихлат қилганидан кейин намоён бўлади, дейишади. Ҳар гал шеърларингизни варақлаганимда ҳаётдаги

тутумингиз, анъаналарингиз ва одатларингизга уйғун мисралардан яйрайман: Кўз юммас, дуолардан, Меҳридан палак тикар. Бу нотинч дунёларга Тинчликдан қўйлақ тикар.

Ҳа, сиз Яратганининг олдида ёзган сўзи ҳам, амали ҳам бир ижодкор бўлишга интилингиз. Эл-юрт меҳрига, эъзозига, эътирофи-га сазовор бўлдингиз. Ваганига садоқат ва фидойилик билан хизмат қилган сууюкли фарзанд сифатида бизга ибрат кўрсатдингиз. Руҳингиз шод бўлсин, илоҳим!

ВАТАН ва ОНА

Ватан кўксим ичида Бир куш мангу сайроқдир. Руҳимнинг меҳробига Худо ёққан чироқдир.

Ҳар чўпи ўзи ҳикмат, Ҳар зарраси бир ҳадис. Куббалар ўқир оят, Устунлари мударрис.

Боласидай эркалар Кучоғи арғимчоқдир. Чучмомалар ўпкалар, Соғинчи қизгалдоқдир.

Шоҳимардон тоғида Ўйноқлайди оҳулар. Илинар булоғидан Менга фаришта сувлар.

Оқиб келар қиқирлаб, Ялпиз, момақаймоқлар, Жаннат ариқларидан Гул, қалампирмуноқлар.

Бешигимнинг бошига Ҳақ қўйган нурли китоб. Ватан тун-қун қошимда Чарақлаб турган оғитба.

Кўз юммас, дуолардан, Меҳридан палак тикар. Бу нотинч дунёларга Тинчликдан қўйлақ тикар.

Жонининг тупчагидан Ёққан қора ўчоқдир — Дунё онам юракда Қовурган оқ бодроқдир.

Тандирлари узатар Ширмоё нони қаймоқдай, Ватан ёруғ суратинг Онам очган кучоқдай!

Энахон СИДДИҚОВА, Ўзбекистон халқ шоири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ДОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 3200 41369 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда. “Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов Мусаҳҳиш: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуриш Абдуллаев